

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ ЭЛМУРОД ОРТИҚНАЗАРОВИЧ

**КУНГАБОҚАР МОЙИ ВА ГРАНУЛАЛАНГАН КУНЖАРАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Хамроев Элмурод Ортиқназарович

Кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжарани
ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Хамроев Элмурод Ортиқназарович

Совершенствование технологии производства
подсолнечного масла и гранулированного жмыха..... 23

Khamroev Elmurod Ortiknazarovich

**Improvement of technology of
sunflower oil and granulated oilcake production**42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ ЭЛМУРОД ОРТИҚНАЗАРОВИЧ

**КУНГАБОҚАР МОЙИ ВА ГРАНУЛАЛАНГАН КУНЖАРАНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т663. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Фуркат Бахронович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Артиков Аскар Артикович
техника фанлари доктори, профессор

Шарипов Неъмат Шарипович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 18 » апрель соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (99865)223-78-84, факс: (99865)223-78-84; email:bmti_info@edu .uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (425-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар Қ.Муртазоев кўчаси,15-уй. Тел.: (99865)223-78-84).

Диссертация автореферати 2023 йил « 05» апрел куни тарқатилди.
(2022 йил «05» декабрдаги № 20 рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., кат.ил.ход.

И.Б. Исабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўсимлик мойларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётгани асносида ҳар хил турдаги мойли хомашёлардан ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини яратиш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида ўсимлик мойининг сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мойли уруғлардан олинган мойларнинг таннархини пасайтиришга бўлган талаб юқори даражада ўсиши кузатилмоқда. Бу йўналишда ноанъанавий мойли хомашёга ишлов беришда преслаш ва экстракция усулларида кенг фойдаланиш, мойли уруғлардан сифатли мой ишлаб чиқариш, кунгабоқар мойини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ноанъанавий мойли хомашё асосида олинадиган маҳсулотлар сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу хомашёдан инсон организми учун зарарсиз бўлган ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш, кунгабоқар уруғларини технологик жараёнга тайёрлаш, мавжуд технологияларда кунгабоқар уруғларини тозалаш, қобиғни мағздан ажратиш, уруғларни чақиш курилмаларини (семенорушка) такомиллаштириш бўйича муҳим илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада кунгабоқар мойини ишлаб чиқариш технологиясида мойли уруғга ишлов бериш жараёнини такомиллаштириш, оптимал технологик режим ва параметрларни ишлаб чиқиш, преслаш ва экстракциялаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда кунгабоқар мойига бўлган эҳтиёж ва талабнинг кескин ортганлиги сабабли маҳаллий кунгабоқар уруғларидан олинадиган ўсимлик мойларининг сифати ва озиқавий хавфсизлигини ошириш, мойли уруғларга дастлабки ишлов бериш, яъни мағзни пўстлоғидан ажратиш жараёнини такомиллаштириш, гранулаланган кунжара ишлаб чиқариш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу муносабат билан бугунги кунда кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан олинадиган ўсимлик мойларининг сифатини ошириш, преслаш жараёнининг оптимал режимларини ишлаб чиқиш, янги турдаги экстрагентлардан самарали фойдаланиш, кунжарани граундалашнинг мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 12 январь ПФ-24 “Илмий –инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон “Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги илмий тадқиқот дастурларининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мойли хомашёлардан ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича дунёда С.Арутюнян, В.В.Белобородов, С.Ф.Быков, И.В.Гавриленко, А.И.Глушенкова, А.М.Голдовский, Г.В.Зарембо-Рацеевич, В.В.Ключкин, В.М.Копейковский, Е.П.Корнена, А.Н.Лисицин, А.Л.Маркман, В.П.Ржехин, А.Г.Сергеев, В.Г.Щербаков, мамлакатимизда эса А.Т.Ильясов, Ю.К.Кадиров, К.Х.Мажидов, Н.К.Мажидова, Р.М.Мирзакаримов, М.А.Рахимджанов, А.А.Абдурахимов, С.А.Абдурахимов, А.Х.Атауллаев каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Мазкур олимлар ва мутахассислар томонидан юқори самарали усуллардан фойдаланган ҳолда ўсимлик мойларини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиялари таклиф қилинган. Кунгабоқар, пахта, соя ва бошқа турдаги мойли ўсимликлардан фойдаланган ҳолда ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш муқобил технологик шароитлари ишлаб чиқилган. Кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ўсимлик мойларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Бирок, кунгабоқардан мой олиш ва унинг сифатини ошириш, олинадиган маҳсулотларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кунгабоқар маҳаллий навларини мой олиш технологиясини такомиллаштиришга кам эътибор қаратилган. Юқори озуқавий қийматга эга бўлган юқори сифатли мойлар олиш учун кунгабоқар маҳаллий навларини мой олишнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилмаган. Лекин, кунгабоқар уруғлари навларидан олинадиган мойларнинг сифати ва физик-кимёвий кўрсаткичларига технологик омилларнинг таъсири ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот режаларининг А-9-8 “Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлигига эга

мойларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича янги ишланмалар” (2015-2017 йй.) ва ГНТП-5 “Республиканинг минерал хом ашё ресурсларини кимё, озиқ-овқат, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳамда чиқиндиларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг ресурстежамкор, ППИ-9 “2015-2020 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи юқори самарали технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳаллий ноанъанавий хомашё асосидаги ёғ-мой маҳсулотлари сифатини ошириш ва турини кенгайтириш” амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий шароитларда етиштирилган кунгабоқар уруғларидан мой ва гранулаланган кунжарани ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

анаънавий ва маҳаллий шароитларда етиштирилган кунгабоқар уруғларини таққослашнинг геометрик ва физик-кимёвий таснифларини ўрганиш;

маҳаллий кунгабоқар уруғларини чақиш технологик босқичини такомиллаштириш;

кунгабоқар уруғларидан пресслаш усулида олинган мой ва гранулаланган кунжаранинг олиш усулларига технологик шароитларнинг таъсирини аниқлаш;

маҳаллий кунгабоқар уруғларидан олинган мойларнинг ёғ-кислота таркибини, ҳамда учглицеридларда ёғ-кислоталарини тақсимланиш ҳолатларини баҳолаш;

такомиллаштирилган технологик жараёнларни ва усулларни ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш, зарурий технологик меъёрий ҳужжатларни жорий этиш, ҳамда олинган натижалардан ишлаб чиқариш амалиётида фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий шароитларда етиштирилган кунгабоқар уруғлари, улардан олинган ўсимлик мойлари ва гранулаланган кунжара олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий шароитларда етиштирилган кунгабоқар уруғларини чақиш технологик жараёнини такомиллаштириш, прессланган мой ишлаб чиқариш ва гранулаланган кунжара тайёрлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини амалга оширишда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (газ-суюқлик хроматографияси, стереоспецифик аниқлаш), ҳамда тадқиқот натижаларини умумлаштиришда статистик ишлов бериш ва математик моделлаштиришдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

маҳаллий шароитларда ва хорижда етиштирилган кунгабоқар уруғларининг геометрик ўлчамлари ва физик-кимёвий хоссалари орасидаги фарқ илмий асосланган;

маҳаллий кунгабоқар уруғларининг геометрик ўлчамларидан келиб чиқиб, уларни чақишнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

пресслаш усулида олинган маҳаллий кунгабоқар мойининг ранглилик даражасини 3-5 қизил бирликка, кислота сонини 0,03-0,05 мг.КОН/г га яхшилаш ҳамда гранулаланган кунжара таркибидаги қолдиқ мой миқдорини 6,2 % га камайтириш асосланган;

юқори сифатли прессланган кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара олишнинг оптимал технологик шароитлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий кунгабоқар уруғларининг чақиш технологик жараёни такомиллаштирилган;

маҳаллий кунгабоқар уруғларидан прессланган мой ва гранулаланган кунжара ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик шароитлари яратилган;

маҳаллий кунгабоқар уруғларидан юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган прессланган мой ва гранулаланган кунжара олинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги прессланган кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжарани олиш технологиясида олинган натижаларни баҳолашда замонавий тадқиқот ҳамда аниқлашлар усулидан фойдаланиш, олинган натижаларни ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва уларни ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этиш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий шароитларда ва хорижда етиштирилган кунгабоқар уруғларининг геометрик ўлчамлари ва физик-кимёвий таснифларини қиёсий таҳлил орқали баҳолаш, маҳаллий кунгабоқар уруғларини геометрик ўлчамларининг хусусиятларини инобатга олиб уларни чақиш технологик жараёнини такомиллаштиришни асослаш ҳамда юқори сифатли прессланган кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара олишнинг оптимал технологик шароитлари ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий кунгабоқар уруғларини чақиш технологик жараёнини такомиллаштиришга, уруғлардан прессланган мой ва гранулаланган кунжара ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик шароитлари яратишга ва юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган маҳсулотлар олишга, такомиллаштирилган технология ёрдамида ишлаб чиқариш амалиётида сарф ва харажатлар камайтирилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжарани ишлаб чиқиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий шароитларда етиштирилган кунгабоқар уруғини чақишнинг такомиллаштирилган технологияси “Косон ёғ-экстракция” АЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзёғмойсаноат” Ассоциациясининг 2021 йил 9 майдаги КС/3-523-сон маълумотномаси). Натижада, хомашёни чақиш технологик босқичларида хомашё сарфини 3-5% га камайтириш имконини берган;

гранулаланган кунгабоқар кунжарасини олиш технологияси “Косон ёғ-экстракция” АЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзёғмойсаноат” Ассоциациясининг 2021 йил 9 майдаги КС/3-523-сон маълумотномаси). Натижада, прессланган гранулаланган кунжаранинг геометрик ўлчамларини 8-12 мм оптимал даражада бўлиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация илмий тадқиқот натижалари бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан 4 та хорижий ва 1 та миллий журналларда чоп этилган.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади ва вазифалари асослаб берилди; унинг объекти ва предмети тавсифи берилган; тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида кунгабоқар уруғлари ва улардан олинган мойларнинг таркиби ва хусусиятлари, кунгабоқар мойи ва кунжарасини олишнинг технологик хусусиятлари, кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара олиш технологияси, шунингдек кунгабоқар мойини рафинациялаш технологиялари бўйича адабиётлар таҳлили берилган.

Келтирилган таҳлил асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.



1-расм Кунгабоқар уруғларини йўналтирилган зарбали марказдан қочма куч ёрдамида чақиш қурилмаси

1-гиллоф; 2-тақсимлаш қурилмаси; 3-ротор; 4-радиал йўналтирувчи каналлар;

5-ҳалқали дека; 6-циклон;

7-цилиндрсимон элак; 8,9-мой чанги ва рушанка учун чиқиш патрубккалари;

10-сақлаш панжараси; 11-ҳаво оқими кириши учун патрубккалар

Илмий ишда лаборатория шароитида кунгабоқар уруғини чақиш учун йўналтирилган зарбали марказдан қочма куч ёрдамида чақиш қурилмасидан фойдаланган бўлиб, унинг схемаси 1-расмда кўрсатилган.

Қурилманинг асосий элементлари бўлиб радиал йўналтирилган каналларга эга тўртта ишчи диск ҳисобланади. Ёнма-ён турган дискларнинг каналлари шахматли тартибда жойлаштирилган бўлиб, бу йўналтирувчи каналларидан чиқишда кунгабоқар уруғларининг бир-бири билан тўсилиб қолишини олдини олади. Кейин, олинган рушанкадан пўстлоқ ва ядро алоҳида шаклида ажратилгандан сўнг тегишли қалинликдаги лепестокни олиш учун ВС-5 тажриба-ишлаб чиқариш вальцовкасига берилади. Мазкур янчилмага кунгабоқар лузгасидан 15% гача аралаштириб, кейин 105-110 °С ҳароратда қовурилди. Намлиги 7-9% бўлган олинган мезга тажриба пресс-гранулятори Г-24 да прессланди. Ушбу прессдан чиққан мойлар рамали филтрпрессларда дастлабки тозалашдан ўтказилди ва қалинлиги 8-12 мм бўлган кунжара грануласи қолган мойни олиш учун экстракцияга юборилди. Натижада, ушбу боб бўйича олиб борилган тадқиқотлар кунгабоқар таққословчи кўрсаткичларни баҳолаш, ҳамда уруғларнинг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тажриба ишларини олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг “**Кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара олиш жараёнини тадқиқ қилиш**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда етиштирилган кунгабоқар уруғларининг структуравий-технологик кўрсаткичлари, кунгабоқар уруғлари маҳаллий навларини чақиш,

Диссертациянинг “**Кунгабоқар мойи ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини таҳлил қилишнинг техник воситалари ва усуллари тавсифи**” деб номланган иккинчи бобида кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара қўлланилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тажриба тадқиқотларида кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навлари ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари (рушанка, ядро, янчилма, мезга, кунжара ва бошқ.) қўлланилган. Таққослаш учун кунгабоқар уруғининг Россия Давлати намуналарида олинган мойлар ва гранулаланган кунжара ишлатилган.

сепарациялаш даражаси ва кўрсаткичлари, кунгабоқар ёғи ва гранулаланган кунжара олиш учун янчилмани қовуриш ҳамда мезгани пресслаш, стереоспецифик таҳлил усули билан олинган учглицеридлар ацилларида ёғ кислоталари жойлашувининг қиёсий кўрсаткичлари, шунингдек кунгабоқар уруғининг маҳаллий навларидан олинган ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари келтирилган.

Кунгабоқар уруғларининг таркиби нав хусусиятларига, етиштириш шароитларига, агротехник ишлов беришда азотли ўғитларнинг миқдори ва сифатига, шунингдек уруғларни йиғимдан кейинги ишлов берилишига қараб фаркланади. Уруғдаги ядронинг миқдори 50 дан 80% гача, қобик миқдори 20 дан 50% гача ўзгариб туради. Кунгабоқар ядроси ва лузгасининг қиёсий кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кунгабоқар уруғлари, ядроси ва лузгасининг қиёсий кимёвий таркиби

Кунгабоқар уруғлари компонентлари, %	Армавирец (назорат)			Жоҳонгир		
	Уруғ	Ядро	лузга	Уруғ	Ядро	лузга
Ёғ	33-57	51-65	0,6-1,7	33-59	52-67	0,7-1,9
Умумий азот	2,5-4,3	19-29	0,60-0,74	2,7-4,5	20-30	0,65-0,77
Хом протеин	17,7-20,8	1,26-1,57	-	18,0-21,1	1,29-1,60	-
P ₂ O ₅	1,4-1,7	0,065-0,075	0,05-0,07	1,5-1,8	0,067-0,080	0,06-0,08
P ₂ O ₅ фосфатид	0,046-0,061	1,8-5,8	52,00-54,75	0,048-0,063	1,9-6,0	52,1-54,8
Клетчатка	19,3-25,3	2,9-3,8	1,29-2,20	19,5-26,0	3,0-3,9	1,3-2,3
Кул	1,8-4,9	-	-	2,0-5,1	-	-
Азот сақламаган моддалар	14,3-17,5	-	34,75-39,55	14,5-17,7	-	34,8-39,7

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, кунгабоқар уруғларининг Ўзбекистон навлари ўзининг структуравий-технологик кўрсаткичлари бўйича Россияда етиштириладиган навларига қараганда юқорироқ сифатга эга.

Маълумки, кунгабоқар паст мойли ва юқори мойли уруғ синфларига ажратилади ва уларнинг мой миқдори, ёғ кислоталарининг тўйинмаганлиги даражаси ва совунланмайдиган моддаларнинг миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилади. Шуни инобатга олган ҳолда, кунгабоқарнинг маҳаллий навларининг уруғларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини назорат билан таққослаганда тегишли кўрсаткичлар бўйича ўрганиб чиқдик. 2-жадвалда таҳлиллар натижалари маълумотлари келтирилган.

**Паст мойли ва юқори мойли кунгабоқар уруғларидан олинган
липидларнинг физик-кимёвий хусусиятлари**

Кунгабоқар уруғлари навлари	Мойлилик, абс. куруқ моддага %		Йод сони, % J ₂	Мойнинг ёғ кислота таркиби, %			Хом мойдаги совунлан майдиган моддалар, %
	уруғ	ядро		Тўйинган	Олеин	Линол	
Армавирец (назорат)							
Паст мойли	31,9-36,1	56,9-59,7	108,0-118,0	8,2-9,2	45,2-47,0	44,4-45,6	1,01-1,20
Юқори мойли	50,5-55,0	65,6-67,2	119,1-129,6	8,6-16,9	28,3-35,2	55,6-60,7	1,03-1,25
Жоҳонгир							
Паст мойли	32,2-36,4	57,0-60,1	107,0-116,0	8,3-9,4	45,5-47,3	44,5-45,7	1,02-1,21
Юқори мойли	51,0-55,3	66,0-67,3	119,4-130,0	8,8-17,1	29,3-35,6	55,4-59,8	1,0-1,16

2-жадвалдан кўришиб турибдики, юқори мойли навларнинг уруғ мойларида Россияга етиштириладиган навларига қараганда кўпроқ биологик фаол моддалар (линол (C_{18:2})) каби ёғ кислоталари мавжудлигини кўриш мумкин.

Демак, ўтказилган тадқиқотлар шуни хулоса қилишга имкон берадики, Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида кунгабоқар уруғини етиштириш Россия Давлати минтақаларига қараганда самаралироқ бўлади. Бунда олинган уруғларнинг нафақат структуравий-технологик кўрсаткичлари ўзгаради, балки уларни маҳаллий шароитда етиштириш харажатлари ҳам камаяди.


Маълумки, уруғларнинг намлиги уларни пўстлоғидан чакиш ва ажратиш жараёнига катта таъсир қилади, шунинг учун намликнинг кунгабоқар уруғларининг ҳар хил турларига таъсирини ва уларнинг миқдорини ўрганиш лозим.

Бу мақсадда биз йўналтирилган зарбали марказдан қочма тажриба қурилмасида (1-расм) кунгабоқар уруғларининг намлик миқдорига қараб уларнинг катта ўқ (узунлик) бўйлаб бўлиниши босими (юкламаси) ўзгаришини ўргандик (2-расм).


2-расмдан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда етиштирилган кунгабоқар уруғларини пўстлоғидан ажратиш учун, импорт қилинган уруғларга нисбатан, асосий ўқ бўйлаб бўлиниш босимини 5-10 МПа га ошириш керак, бу маҳаллий кунгабоқар уруғларининг нисбатан катта ўлчамлари ва улар пўстлоғи қалинлиги билан боғлиқ.

Кунгабоқар уруғларининг кичик ўқи бўйлаб бўлинишда намлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган параметр бўлиб, у 10-25% чегарасида ўзгариб туради.

Шуни инобатга олган ҳолда, кунгабоқар уруғлари намлигининг уларнинг бўлинишининг зарур босимига таъсирини ўрганиб чиқдик. Бунда тажрибалар юқорида тавсифланган шароитларда олиб борилди (3-расм).




2-расм. Кунгабоқар уруғлари намлигидан боғлиқ равишда уларнинг катта ўқ (узунлиги) бўйлаб бўлиниши босими (юклама) ўзгариши. 1-Ўзбекистон, 2-Россия, 3-Украинада етиштирилган навлар




3-расм. Кунгабоқар уруғлари намлигидан боғлиқ равишда уларнинг кичик ўқ (эни) бўйлаб бўлиниши босими (юклама) ўзгариши. 1-Ўзбекистон, 2-Россия, 3-Украинада етиштирилган навлар

3-расмдан кўришиб турибдики, кунгабоқар уруғларини намлиги ошиши билан уларнинг кичик ўқ (эни) бўйлаб бўлиниши учун босимни 3-5 МПа га ошириш лозим. Демак, Ўзбекистонда етиштирилган кунгабоқар уруғларини чақиш учун анъанавий Россия ва Украинада етиштирилган кунгабоқар уруғларига қараганда ҳам катта, ҳам кичик ўқларида кўпроқ юклама қўйиш лозим бўлади ёки деки яқинлаштирилади.

Пўстлоқ ва ядро орасидаги ҳаво бўшлиғи катталигининг Ўзбекистон, Россия ва Украинада етиштирилган кунгабоқар уруғлари массасига боғлиқлигини ўргандик.



4-расм. Ўзбекистон (1) Россия (2) ва Украинада (3) етиштирилган кунгабоқар уруғларнинг ядро ва пўстлоқ орасидаги ҳаво ғоваги қийматларининг уруғ ўтмас учидаги уруғ массасига қараб ўзгариши боғлиқлиги.



5-расм. Ўзбекистон (1) Россия (2) ва Украинада (3) етиштирилган кунгабоқар уруғларнинг ядро ва пўстлоқ орасидаги ҳаво ғоваги қийматларининг уруғ массасига қараб (уруғ эни бўйича) ўзгариши боғлиқлиги.

Амалиётда қайта ишлашга ҳар хил массали, яъни кичик ўлчамдаги уруғлар билан аралашмада кунгабоқар уруғлари келади, шунинг учун уруғ майдалагич (семенорушка) учун майдаланадиган кунгабоқар уруғининг асосий ўлчамини аниқлаш керак бўлиб, бу уруғ тақсимоти эгри чизикларини таҳлил қилиш асосида аниқланади. 4- ва 5-расмларда мазкур таҳлил натижалари кўрсатилган.

4- ва 5-расмлардан кўриниб турибдики, кунгабоқар уруғлари массасининг кўпайиши билан ядро ва уруғ қобиғи (пўстлоғи) ва ўтмас учи орасидаги бўшлиқ кенгайиб боради. Бу ерда энг юқори қиймат Ўзбекистонда етиштирилган уруғларда ва энг паст қиймат Украинада етиштирилган уруғларда кузатилди. Шунини таъкидлаш лозимки, кунгабоқарнинг кичик уруғларида ҳаво бўшлиғи кенглиги жуда кичик, бу эса уларнинг майдаланиши мураккаблигини тасдиқлайди.

Кунгабоқар мойини рафинацияси механик аралаштиргич билан жиҳозланган реакторда ўтказилди. Зарурий ҳароратни ушлаб туриш контакт термометр билан жиҳозланган термостат ёрдамида амалга оширилди. Тажрибалар 40-45°C ҳароратда ўтказилди, рафинация давомийлиги 40 минут.

Турли пўстлоқ миқдори (лузжистость) эга пресс мойлар сифатининг кунгабоқар мойи рафинацияланиш даражасига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Пресс мой сифатининг рафинацияланган кунгабоқар мойи кўрсаткичларига таъсири

Намуналар	Ишқор миқдори, гр/л	Рафинацияланган кунгабоқар мойи кўрсаткичлари		
		Кислота сони, мг КОН/г	Йод шкаласи бўйича ранги	Чиқиши, %
1	0,102	0,18	7	98,60
2	0,115	0,21	8	98,42
3	0,135	0,16	9	98,14
4	0,145	0,23	10	98,01
5	0,162	0,21	10	97,78

3-жадвалдан кўриниб турибдики, бошланғич мойнинг кислота сони ошиши билан рафинацияланган мойнинг чиқиши ва сифати пасаяди.


Шундай қилиб, рафинацияланган кунгабоқар мойнинг кислота сони ва ранглилиги пасайиши пўстлоқнинг ядрога 15:85% нисбатида эришилади.

Диссертациянинг “**Кунгабоқар мойи ва гранулаланган кунжара ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш**” деб номланган тўртинчи бобида кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олишнинг ишлаб чиқилган такомиллаштирилган технологияси тавсифи, кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олишнинг такомиллаштирилган технологиянинг тажриба-ишлаб чиқариш натижалари, шунингдек кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олишнинг таклиф

этилаётган технологияни жорий этишдан иқтисодий самарадорлик тўғрисида маълумотлар келтирилган.

6-расмда кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан прессланган мой ва гранулаланган кунжара олишнинг таклиф қилинаётган технологик схемаси кўрсатилган.

Технологик жараён таснифи қуйидагича, шнек 1 бўйича кунгабоқар уруғлари тақсимлаш шнекига 2 узатилади, у ердан хом-ашё тажриба марказдан қочма уруғ чақишга (семенорушки) 3 келади. Уруғ майдалагичдан 3 рушанка сепараторларга 4 келади, у ерда кунгабоқар пўстлоғи ядроларидан ажратилади. Сепараторлардан 4 ядро шнек 6, нория 7, электромагнит 8 ёрдамида тақсимлаш шнекига 9 келади, у ердан ўз оқими бўйлаб беш валли вальцовкага ВС-5 га 10 тушади. Вальцовкадан 10 янчилмалар шнекга 11 келади, бу ерда шнекдан 13 келадиган пўстлоқ зарурий миқдори билан аралаштирилади. Олинган янчилма аралашмаси нория 14 ёрдамида электромагнит тозалаш 15, шнекдан 16 сўнг қовириш қозони (жаровня) 18 юқори қисмида жойлашган шнек-инактиваторга 17 келади.



6-расм. Кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан прессланган мой ва гранулаланган кунжара олишнинг такомиллаштирилган технологик схемаси

1, 6, 11, 13, 16, 20, 25, 27 - шнек, 2, 9 - тақсимлаш шнеки, 3 - тажриба марказдан қочма уруғ чақиш қурилмаси (семенорушки), 4 - Тақсимлагич (Семеновейка) МС-50 сепаратор, 7, 14, 26 - нория, 8, 15 - электромагнит, 10 - вальцовка ВС-5, 17 - шнек-инактиватор, 18 - қовириш қозони (жаровня), 19 - шнек-гранулятор, 21 - фузатанкер, 22, 24 - насос, 23 - фильтрпресс.

Қовуриш қозонидан 18 мезга шнек-грануляторларга (Г-24 туридаги) 19 келади, у ердан мой шнек 20 ёрдамида фузатанкерга 21 келади. Фузатанкердан 21 мой насос 22, фильтрпресс 23 ва насос 24 ёрдамида

кейинги қайта ишлаш жараёнига узатилади. Фузатанкердан 21 ажратиб олинган фуза нория 26 ва шнек 27 ёрдамида ковуриш қозони (жаровня) 18 юқори қисмида жойлашган шнекка 16 узатилади. Гранулаланган кунжара шнек 25 ёрдамида экстракциялашга узатилади.

Мазкур технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, марказдан қочма уруғ майдалагич (семенорушки) 3 ва сепаратор 4, шунингдек кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан прессланган мой ва гранулаланган кунжара олишнинг технологик шароитлари илк маротаба қўлланилди.

4-жадвалда кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олишнинг технологик режими меъёрлари келтирилган.

4-жадвал

Кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олишнинг технологик шароити меъёрлари

Технологик жараён ёки босқичлари номи	Жараён ёки босқич асосий параметрлари	Ўлчов қийматлари ва бирликлари
Уруғни савалаб майдалагич (бичевой семенорушке) МНР да кунгабоқар уруғларини майдалаш (обрушивание)	Роторнинг бурчак тезлиги	2000 айл/мин
	Уруғлар намлиги	6-7%
Семеновейка М1С-50 да кунгабоқар уруғлари майдаланган қисмини сепарациялаш	Элак тешиклари диаметри:	
	1-чи	7,0 мм
	2-чи	5,0 мм
	3-чи	2,5 мм
	Ҳаво сарфи	0,5 кг/с
Кунгабоқар уруғлари ядроларини вальцовкалаш	Ядро намлиги	6,5-7,5%
	Юклама	30-35А
Янчилмани қовуриш	Чанлардаги ҳарорат:	
	1	90-95°С
	2	95-100°С
	3	100-105°С
	4	105-110°С
	5	110-115°С
	6	110-115°С
Намлик	6,5-8,0%	
Мезгани пресслаш	Колосник панжаралар ўлчамлари:	
	1 секция	0,75 мм
	2 секция	0,35 мм
	3 секция	0,25 мм
	4 секция	0,25 мм
Кунгабоқар мойни бирламчи тозалаш	Мой ҳарорати	85-95°С

Майдалашдан сўнг биз кунгабоқар уруғлари иккала тури учун ҳам 1-чи, 2-чи ва 3-чи яруслар тешиклари ўлчамларининг пўстлоқ ва ядро чиқишига таъсирини тадқиқ қилдик. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Аспирацион семеновейка М1С-50 да кунгабоқар Россия ва Ўзбекистон навлари майдаланган уруғларини ажратиш кўрсаткичлари

1-чи, 2-чи ва 3-чи яруслар элаклари тешиклари ўлчамлари, мм	Кунгабоқар уруғлари Армавирец нави (назорат)			Кунгабоқар уруғлари Жоҳонгир нави		
	Ядро, %	Ядро пўстлоқлиги, %	Пўстлоқ, %	Ядро, %	Ядро пўстлоқлиги, %	Пўстлоқ, %
6,0 : 4,5 : 2,5	82,0	2,6	15,4	84,8	2,1	13,1
6,5 : 5,0 : 3,0	83,6	2,2	14,2	83,5	1,8	14,7
7,0 : 5,0 : 2,5	85,3	1,7	13,0	85,7	1,4	12,9
7,0 : 4,5 : 3,0	84,8	2,0	13,2	85,0	1,7	13,3

5-жадвалдан кўриниб турибдики, кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навлари назоратга қараганда тахминан 1,5-2,0% га кўпроқ ядро чиқишига эга.

Бунда пўстлоқлилиқ ва пўстлоқ миқдори маълум фоиз фарқи билан деярли бир-бирига яқин туради.

Кунгабоқар уруғлари маҳаллий навларини М1С-50 да ажратиш, яъни сепарация жараёнининг ўтказилган тадқиқотлари ядро чиқиши натижасига қараганда юқори эканлигини кўрсатади. Буни кунгабоқар уруғининг маҳаллий навларининг яхши етилганлиги ва ўлчамлари билан изоҳлаш мумкин.

6-жадвалда кунгабоқар уруғларининг оптимал ҳарорат режимларини аниқлаш мақсадида уларни қовуриш бўйича қиёсий маълумотлар келтирилган.

6-жадвал

Қовириш қозонининг (жаровня) I ва II чанларидаги ҳарорат ва пресс Г-24 колосниклари ўлчамларидан боғлиқ равишда прессланган кунгабоқар мойи кўрсаткичларининг ўзгариши

Қовириш қозонининг (жаровня) I ва II чанларидаги ҳарорат, °С	Пресс колосниклари ўлчамлари, мм	Хом прессланган кунгабоқар мойи кўрсаткичлари			
		Ранги, мг J ₂	К.с., мг КОН/г	Фуза, %	Чиқиши, %
Армавирец нави (назорат)					
110/115	0,75:0,45:0,35:0,25	33	3,7	4,6	64,3
110/115	0,75:0,45:0,35:0,25	25	2,3	5,4	62,7
115/117	0,75:0,35:0,25:0,25	30	2,9	5,0	65,4
115/117	0,75:0,35:0,25:0,25	22	1,8	6,1	63,2
Жоҳонгир нави					
100/105	0,75:0,45:0,35:0,25	29	3,2	4,3	64,7
100/105	0,75:0,45:0,35:0,25	21	1,7	5,2	61,2
105/110	0,75:0,35:0,25:0,25	24	2,5	4,7	65,8
105/110	0,75:0,35:0,25:0,25	14	1,4	5,8	63,5

6-жадвалдан кўришиб турибдики, кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навлари пресслаш мойи ишлаб чиқаришни 0,5-1,0% га ошириш, унинг сифатини, яъни ранги, кислота сони ва фуза ҳосил бўлишини яхшилаш имконини беради.

Шундай қилиб, ўтказилган синовлар импорт қилинадиган (Россия, Украинадан ва ҳок.) кунгабоқар уруғлари ўрнига маҳаллий навлари янчилмасини қовуриш ва мезгасини пресслаш бўйича ишлаб чиқилган технологияни тавсия этишга имкон беради. Бунда янчилмани қовуриш ва мезгани пресслаш учун энг яхши технологик шартлар бўлиб биринчи чандаги ҳарорат 90-95°C ва иккинчи чандаги 95-100°C, пресс Г-24 колосниклари ўлчамлари 0,75:0,35:0,25:0,25 мм бўлиб ҳисобланади.

7-жадвалда Г-24 пресс-грануляторида олинган кунгабоқар кунжараси гранулаларининг асосий кўрсаткичлари ўзгариши кўрсатилган.

7-жадвалдан кўришиб турибдики, кунгабоқарнинг маҳаллий навларидан юқори ғовакли гранулаланган кунжара олишнинг оптимал ўлчам сифатида матрица тешиклари диаметрини 1,0-1,2 мм, узунлигини эса 3,0-3,6 мм оралиғида сақлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан олинган гранулалар кўрсаткичларини таққослаш шуни кўрсатадики, Россияда етиштирилган уруғларни пресслашдан кейин нисбатан пастроқ ғоваклилигига эга, бу эса уларни кейинги экстракциялаш учун номақбул бўлиб ҳисобланади.

7-жадвал

Пресс-гранулятор Г-24 да мезгани пресслаш турли шароитларидан боғлиқ равишда кунгабоқар уруғлари кунжараси гранулалари асосий кўрсаткичларининг ўзгариши

Мезгани пресслаш шароитлари		Кунгабоқар мезгасидан олинадиган гранулалар кўрсаткичлари			
Матрицадаги тешик диаметри, мм	Кесиш узунлиги, мм	Ўртача диаметр, мм	Ўртача узунлиги, мм	Мойлилик, %	Ғоваклилик, см ³ /г
Армавирец нави (назорат)					
0,8	2,4	0,9	3,1	19,6	0,007
1,0	3,0	1,1	3,4	21,5	0,010
1,2	3,6	1,4	4,2	23,0	0,013
1,4	4,2	1,8	5,0	24,3	0,019
Жоҳонгир нави					
0,8	2,4	1,1	2,6	18,5	0,010
1,0	3,0	1,3	3,1	20,4	0,016
1,2	3,6	1,5	3,8	22,3	0,020
1,4	4,2	1,7	4,4	23,0	0,025

Демак, кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан олинган пресс мойи ва гранулаланган кунжара олиш такомиллаштирилган технологияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар пресслаш цехида жорий қилиш учун оптимал шароитларни тавсия қилиш имконини берди. Бунда иқтисодий самарани

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан тавсия этилган кўйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилди:

$$\Delta = [(C_1 - C_2) - E \cdot K] \cdot A;$$

бу ерда: C_1 ва C_2 – анъанавий ва таклиф қилинаётган технология бўйича рафинацияланмаган мойни таннархи, сўм/т;

E – меъёрий коэффицент (тармоқ учун $E = 0,15$);

K – капитал харажатлар, минг сўм;

A – кунгабоқар уруғларидан рафинацияланмаган мой ишлаб чиқариш йиллик ҳажми, минг тонна

Буни ҳисобга олган ҳолда, юқорида қайд этилган кунгабоқар уруғларидан 1 тонна пресс мойини олишга “Косон ёғ-экстракция” АЖ га қўллаб калькуляция туздик (8-жадвал)

8-жадвал

Анъанавий ва такомиллаштирилган технология бўйича 1 тонна пресс кунгабоқар мойини ишлаб чиқариш калькуляцияси

Компонентлар номи	Анъанавий технология бўйича сумма, минг сўм	Тавсия этилаётган технология бўйича сумма, минг сўм
Кунгабоқар уруғлари, тн	-7 342,40	-7 164,54
Филтрлаш матоси , п/м	-5,37	-5,37
Сув, м ³	-9,42	-9,42
Электр энергияси, квт	-172,16	-171,84
Буғ, г.кал	-217,42	-215,74
Меҳнат ҳаққи , сум	-163,72	-162,49
Кунгабоқар пўстлоғи, тн	+93,41	+93,76
Гранулаланган кунжара, тн	+2 247,38	+2 150,27
ЖАМИ	5569,7	5485,37

Изоҳ: - –чиқим, + –кирим.

8-жадвалдан кўриниб турибдики, тавсия этилган технология бўйича кунгабоқарнинг маҳаллий уруғларини қайта ишлаш анъанавий технология бўйича импорт уруғларни қайта ишлашга қараганда тежамлироқ тушади.

$$\Delta = [(5569,7 - 5485,37) \cdot 5,0] \cdot 6000 = 476,400 \text{ минг сўм/йил}$$

Шундай қилиб, кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан пресланган мой ва гранулаланган кунжара олишнинг такомиллаштирилган технологияларини жорий қилишдан иқтисодий самара технологик линиянинг йилига 6000 тонна хом пресс мойи унумдорлигида 476,400 млн. сўмдан ортиқ ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан мой ва гранулаланган кунжара олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича услубиёт ишлаб чиқилган, ва йўналтирилган зарбали марказдан қочма куч ёрдамида чақиш

қурилмаси ва мувофиқ унумдорликдаги аспирацион сепаратор қўлланилиши зарурати асослаб берилди.

2. Бир хил аграр шароитларда Россияда (назорат) ва Ўзбекистонда етиштирилган кунгабоқар уруғларининг фарқловчи хусусиятлари аниқланди. Хусусан, маҳаллий кунгабоқар уруғлари эни ва узунлиги бўйича нисбатан каттароқ ўлчамларга, юқори мойлилиги ва пўстлоғининг қаттиқлигига эга эканлиги аниқланган бўлиб, бу махсус йўналтирилган зарбали марказдан қочма куч ёрдамида чақиш қурилмаси ва мувофиқ унумдорликдаги аспирацион сепаратор ёрдамида кўпроқ ҳаракат талаб қилади.

3. Ўрганилган барча намуналарда марказдан қочма уруғ майдалагичда (семенорушке) кунгабоқар уруғлари намлиги ошиши билан катта ўқ бўйлаб босимнинг (юкламанинг) пасайиши, ва аксинча, кичик ўқ (эни) бўйлаб босимнинг оширилши кераклиги аниқланди. Бунда кунгабоқар уруғлари массасидан боғлиқ равишда ядро ва пўстлоқ орасидаги ҳаво бўшлиғи қийматларининг ўзгариши уларнинг бўлинишига зарурий юкламани белгилаб берувчи ички тузилмаларни кўрсатади.

4. Кунгабоқар уруғидан олинадиган кунжарани интенсив экстракциялаш учун унинг гранулаланган шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Бунда Г-24 туридаги пресс-гранулятордан фойдаланиш мумкин бўлиб, у турли диаметр ва узунликдаги кунгабоқар кунжараси гранулаларини олиш имконини беради.

5. Кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан олинадиган мойлар ёғ кислоталари ацилларининг стереоспецифик жойлашуви бўйича Россия мойлари билан деярли бир хил эканлиги аниқланди. Бунда кунгабоқар уруғларининг маҳаллий навларидан олинадиган мойларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур мойлар импорт қилинганларга нисбатан 1,0-1,3% кўпроқ тўйинган ёғ кислоталари ва тахминан шу миқдорда камроқ тўйинмаган ёғ кислоталарни ўз ичига олади.

6. Рафинацияланган мойнинг кислота сони ва ранглиги сезиларли даражада пасайишига пўстлоқнинг ядрога 15:85% нисбатида эришилиши аниқланди, пўстлоқ миқдорининг янада оширилиши рафинацияланган мой ранглилиги ва чиқишининг бироз пасайишига олиб келади.

7. “Косон ёғ-экстракция” АЖда бир мавсумда 6000 тонна кунгабоқар уруғининг маҳаллий навларидан мой ва кунжара олишнинг ишлаб чиқилган такомиллаштирилган технологияси йилига 476,4 млн. сўмдан ошадиган иқтисодий самара бериши исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО –
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМРОЕВ ЭЛМУРОД ОРТИКНАЗАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА
ПОДСОЛНЕЧНОГО МАСЛА И ГРАНУЛИРОВАННОГО ЖМЫХА**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.2.PhD/T663.

Докторская диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.bmti.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Ашуров Фуркат Бахронович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Артиков Аскар Артикович доктор технических наук, профессор Шарипов Нёмат Шарипович кандидат технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени И. Каримова

Защита диссертации состоится «18» апреля 2023 г. в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/28.02.2022. Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, дом 15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-78-84; e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за № 425, с которой можно ознакомиться в ИРИЦ (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, 15. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан « 05 » апреля 2023 года.
(протокол рассылки №20 от «05» декабрь 2022 г.)

Н.Р. Баракаев

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., ст.науч.сот.

И.Б.Исабаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с постоянно возрастающим спросом на растительные масла в мире наблюдается рост высокой потребности в создании техники и технологии производства растительных масел из различных видов масличного сырья, внедрении новых технологий повышения качества растительного масла и обеспечения пищевой безопасности, а также снижения себестоимости масел, получаемых из масличных культур. В этом направлении важное значение имеют широкое использование методов прессования и экстракции при переработке нетрадиционного масличного сырья, получение высококачественного масла из семян масличных культур, совершенствование технологий производства подсолнечного масла.

В целях повышения качества продуктов, получаемых на основе нетрадиционного масляного сырья и обеспечения безопасности пищевых продуктов в мире проводятся важные научные исследования по производству из этого сырья безвредных для организма человека растительных масел, подготовке семян подсолнечника к технологическому процессу, очистка семян подсолнечника по существующим технологиям.

В связи с резким увеличением потребности и спроса на подсолнечное масло в нашей республике проводятся обширные научные исследования по повышению качества и пищевой безопасности растительных масел, получаемых из местных семян подсолнечника, совершенствованию процесса предварительной обработки масличных семян, то есть процесс отделения ядра от шелухи и производство гранулированного жмыха. В стратегии развития нового Узбекистана определены такие важные задачи, как «широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений»¹. В связи с этим повышение качества растительных масел, получаемых из местных сортов семян подсолнечника, разработка оптимальных режимов процесса прессования, эффективное использование новых видов экстрагентов, совершенствование существующих технологий грануляции жмыха имеют большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и УП-24 от 12 января 2018 года «О мерах по созданию эффективных механизмов внедрения научно-инновационного развития и технологий в производство», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

